

ФИЗИКА ЎҚИТИШДА МОДУЛ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ҚЎЛЛАШ

Г.Г.Юлдашева,

Урганч шаҳри, УрДУ, катта ўқитувчи

Олий таълим тизимида мутахассислар тайёрлаш жараёнида талабаларга чуқур билим бериш, эгаллаётган касбларига доир амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда талабага билим беришда энг асосий вазифалардан бири ўқув жараёнининг муҳим бўғини бўлган назарий ва амалий машғулотларни педагогик ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, самарали ташкил этиш орқали ижобий ютуқларга эришишдир.

Биз томондан модулли ўқитиш технологиясига доир бир қатор тадқиқотлар [1, 2, 3] таҳлил қилиниб ўрганилди. Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, олий таълим тизимида фанларни ўқитиш самарадорлигини ошириш йўлларида бири бу -модулли технология асосида ўқитишдир.

Физика ўқитиш методикасига доир ўтказилган изланишлар шуни кўрсатдики, талабаларда билим ва кўникмаларини шакллантиришда модулли ўқитиш технологияси яхши натижа бермоқда. Физикани ўқитишда умумлаштириш ва такрорлаш дарсларида, семинар машғулотларида модулли технологиялардан фойдаланиб назарий ва амалий билимлар ўртасидаги узвийликни таъминлаш мумкин. Физикани анъанавий ўқитишда ўқув мақсадлари педагог фаолияти орқали ифодаланган, яъни билим беришга йўналтирилган бўлса, модулли ўқитишда ўқув мақсадлари талабалар фаолияти орқали ифодаланади, ҳамда бевосита касбий фаолиятга йўналтирилган бўлади.

Физика ўқитишда модул технологиясини қўллаш мавзуга доир модулларни лойиҳалаштиришдан бошланади. Мавзудаги ҳар бир ажратилган модул учун мазмунни ташкил этувчи фаолият ва мақсад аниқланади. Модулнинг мақсадларига эришиш босқичма-босқич амалга оширилганлиги учун ҳар бир қадам ўқув элементи (ЎЭ)кўринишида ишлаб чиқилади [3].

Физикадан маъруза машғулотларида модулли таълим технологиясидан фойдаланиш учун ўқитувчи куйидаги тайёргарлик ишларини олиб борган бўлиши мақсадга мувофиқ:

- физикадан ўрганиладиган мавзунинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари асосида талабаларга қўйиладиган ўқув мақсадларини белгилаш;

- физикадан ўрганиладиган мавзунинг мантикий тугалланган фикрли модулларга ажратиш, ҳар бир модулнинг хусусий мақсадларини аниқлаш ва уларнинг иерархик даражасини тузиш;
- талабаларнинг ҳар бир модулнинг хусусий мақсадларига эришиш йўллари назарда тутилган ҳолда ўқув топшириқларини тузиш ва унга ажратилган вақт меъёрларини белгилаш;
- физика мавзуларига доир модулларнинг кетма-кетлиги асосида уларнинг хусусий мақсадлари, ўқув топшириқларини яхлит тарзда ўқида мужассамлаштирган модул дастурини лойиҳалаш;
- физикадан мавзуга доир маъруза матни ва модул дастурини машғулотдан бир ҳафта аввал талабаларга тарқатиш;
- модул дастурининг уч хил тури бўлишини назарда тутилган ҳолда талабаларнинг физикадан билиш фаолиятини ташкил этиш шаклини аниқлаш [2].

Бизнингча ҳозирги кунда олий таълим муассасаларига уч хил тайёргарликка эга талабалар қабул қилинаётганлигини, уларда ўқув меҳнати ва амалий кўникмаларнинг эгаллаганлик даражаси турлича бўлганлигини инобатга олиб модулли таълим технологиясидан фойдаланишда талабаларнинг кичик гуруҳларида ҳамкорликда ишлашига мўлжалланган модул дастури юқори самара беради

Модулли таълимнинг моҳияти шундан иборатки, бунда ўқувчилар модул дастурлари устида мустақил (ёки ўқитувчи раҳбарлигида) ишлаб ўқув-билиш фаолияти орқали белгиланган мақсадга эришадилар.

Модул дастурларини тузишда ўқитувчи эътиборини қуйидагиларга қаратиши зарур:

1. Модул дастуридан кўзда тутилган мақсадни аниқ белгилаш.
2. Ўқув материални о'рганишнинг мантикий йўналиши (индуктив ёки дедуктив тарзда берилганлигини) аниқлаш. Модулли таълим тамойилларини ҳисобга олган ҳолда ўқув материални мазмунан тугалланган, мантикий кетма - кетликдаги кичик бўлак (модул) ларга тақсимлаш.
3. Ўқувчиларнинг ўқув материалларини ўзлаштириши учун ташкил этиладиган ўқув фаолияти усулларини белгилаш.
4. Ўқув фаолияти усулларига боғлиқ ҳолда модул дастуридан ўрин олиши лозим бўлган ўқув элементларини ва уларнинг кетма - кетлигини аниқлаш.

5. Ўқувчилар билимини аниқлаш ва назорат қилиш бўйича дастлабки жорий назорат, ахборот тўплами, ўқувчилар билимидаги типик камчилик ва хатоларни бартараф етиш йўллари белгилаш.

6. Ўқувчилар учун асосий қўшимча адабиётларни танлаш.

7. Ўқувчилар модул дастури ёрдамида ўқув материалини мустақил ва ижодий ўрганиш жараёни мазкур мавзунини ўзлаштириш учун дастурда белгиланган вақт доирасида амалга оширилишига эришиши лозим.

Модулли таълимда ҳар бир ўқув фаолияти назорат қилиб баҳоланади. Ҳар бир ўқув фаолияти аниқ ва ҳаққоний баҳоланади. Ўқувчилар билиш фаолиятини фаоллаштиради, билим олишга қизиқиш ва эҳтиёж орттирилади.

Юқорида келтирилган модул дастурини машғулотдан бир ҳафта аввал талабаларга тарқатилади. Ўқитувчи дарс жараёнида талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш шаклини ишлаб чиқади. Шу тарзда физикани ўқитиш жараёнига модул технологиясини қўллаш дарс самарадорлигини оширишга хизмат қилади, яъни :

- фанлараро ҳамда фан ичидаги узвийликни таъминлайди; талабанинг ўз билим даражасини мустақил оширишга ўргатади;
- муаммони ҳамда уни ҳал қилиш йўллари излаб топишга йўналтиради;
- билимларни ўзлаштириш механизминини ишлаб чиқишга йўналтиради;
- ўзлаштирилган билимларни такрорлашни ўз ичига олади (катталикларни солиштириш, таққословчи жадваллар тузиш ва ҳ.к. орқали) Физикани модул технологиясини қўллаб ўқитилганда талабалар ўзларининг билим даражалари ошиб бораётганлигини яққол сезиш имконига эга бўладилар, шунингдек аудиторияда талабалар учун ўз-ўзини бошқариш ва ўзаро бошқариш муҳитини юзага келтириш имкони туғилади, уларнинг мулоқот қилиш малакаси ривожлантирилади, ҳар бир машғулотда талабаларнинг рефлексив қобилиятларини ишга солишга шароит яратилади.

Демак, физикани модулли технология асосида ўқитишда таълим жараёни олдиндан лойиҳаланса, таълим мақсади аниқ қўйилса, вазифаларни тўғри бўлиб берилса, кўргазмаларни қуроллардан ўз ўрнида фойдаланилса, ўқув материалини аниқ, ишонарли ва илмий тарзда етказилса, шунингдек талабанинг билими ҳаққоний баҳоланса, ўқитувчининг меҳнати самарали натижаларни беради.

АДАБИЕТЛАР:

1. Букалова Г.В. Технология модульного обучения как средство эффективности преподавания общеинженерных дисциплин. Автореферат дисс.канд.наук.- Брянск. 2000.-14с.
2. Зимин В.Н. Модульный подход к профессиональному образованию.- Москва: Ж:Профессиональное образование. 2001. -№10. - 14 с.
3. Модульная ситема подготовки персонала. Информационный бюллетень. Москва: Международный центр развития модульной системы обучения.1997.-10 с.